



2020 у «10» июнь

№ Қ-262

«__» _____ 20__ г

**Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви
худудидан “JAYXUN CHORVA
NASLCHILIK KLASTER” MChJга ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/234-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 24 апрелдаги 60/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/234-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Оқтепа” массиви худудидан “JAYXUN CHORVA NASLCHILIK KLASTER” MChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 4қ ва 38қ-дала контурларидаги жами 4,0 гектар яйлов ер майdonи, шундан 1,5 гектари чорва наслчилик кластер комплекси ташкил этган ҳолда чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун ва чорва молларини сақлаш комплекси қурилиши учун ҳамда 2,5 гектари озуқабоп экинлар экиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “JAYXUN CHORVA NASLCHILIK KLASTER” MChJ чорва молларини сақлаш комплекси қурилиши учун ажратилаётган “Оқтепа” массивидан 1,5 гектар яйлов ер майdonи учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 20 077 290 (йигирма миллион етмиш етти минг икки юз тўқсон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юкласин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов